



Халқаро Қизил китоб ва катта Амударё куракбуруни

Umbarov Hasan

Termiz davlat muzey qo'riqxonasi ilmiy hodimi

Аннотация: Ушбу мақола Сурхондарё вилояти ва Амударё ҳавзасида учрайдиган, йўқолиб кетиш хавфи остида қолган ноёб балиқ тури — катта Амударё куракбурун балиғи (Псеудоссапхирхйнчус ҳерманни) ҳақида кенг илмий маълумот беради. Мақолада мазкур турнинг биологик ва экологик хусусиятлари, яшаш муҳити, тарқалиш ареали, ташқи тузилиши, кўпайиш жараёни ва озикланиш манбалари батафсил ёритилган. Катта Амударё куракбурун балиғи қадимий балиқ турлари сирасига кириб, асосан Амударё ва унинг ирмоқлари, хусусан, Сурхондарё ҳавзасида учрайди. Мақолада бу турнинг морфологик тавсифи, ўртача узунлиги ва оғирлиги, табиий яшаш шароитлари, сувнинг сифати ва озуқа базасига кўйиладиган талаблар илмий асосда келтирилган.

Шунингдек, мақолада катта Амударё куракбурун балиғининг сунъий шароитда кўпайтириш бўйича сўнгги йиллардаги илмий тадқиқотлар, бу жараёндаги қийинчиликлар ва муваффақиятсизлик сабаблари ҳам таҳлил қилинади. Қизил китобга киритилганлиги сабабли бу балиқ тури махсус давлат муҳофазасида бўлиши, овлаш тақиқланганлиги ва унга нисбатан ҳуқуқбузарлик қилган шахсларнинг қонуний жавобгарлиги ҳақидаги маълумотлар берилган. Яна, “Термиз” давлат музей-қўриқхонаси фондларида сақланаётган катта Амударё куракбурун балиғи намунаси мисолида илмий ёндашув ва сақлаш муҳимлиги кўрсатиб ўтилган.



Мақола якунида катта Амударё куракбурун балиғи ва унга ўхшаш ноёб турларни сақлаб қолиш, уларни сунъий кўпайтиришни йўлга қўйиш, табиатни муҳофаза қилиш, экологик мониторингни кучайтириш ва кенг жамоатчилик орасида экологик онгни ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: Катта Амударё куракбурун балиғи, Псеудоссапхирҳинчус ҳерманни, Амударё ҳавзаси, Сурхондарё, Қизил китоб, ноёб турлар, биологик тавсиф, экологик мониторинг, ҳимоя чораси, сунъий кўпайтириш, биологик хилма-хиллик, биохавфсизлик, сув ҳайвонот дунёси, овлаш тақиқи, экологик муҳофаза.

Қизил китоб табиатда йўқолиб бораётган ёки йўқолиш хавфида бўлган ноёб ўсимлик ва ҳайвон турларини қайд қилувчи халқаро ва давлат хужжати ҳисобланади. Қизил китобда ўсимлик ва ҳайвон турлари сонининг камайиши сабаблари ёритилади, сақлаб қолиш учун тавсиялар берилади.

Табиат ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи камёб ва йўқолиб кетиш хавфида бўлган ўсимлик ва ҳайвонот дунёси вакиллари рўйхатга олиш ишларини 1948 йилдан бошлади. Халқаро қизил китобда дунё ва алоҳида, минтақаларда мавжуд турларнинг камайиши, йўқолиб бориши акс эттириб берилди.

1949 йилда доимий қутқариш қўмитаси ташкил этилди. Унда турли мамлакатларнинг таниқли зоологлари киритилди. Қўмита улкан ишларни амалга оширди. Қизил ранг хавф белгиси. Шу сасабли қўмита раҳбари Питер Скоттнинг таклифи билан рўйхат қизил китоб деб номланди.

Илк қизил китоб 1963 йилда нашр этилди. Йўқолиб бораётган энг ноёб ҳайвон турлари эса қизил китоб саҳифада чоп этилди. 1966-1971 йилларда 3 томдан иборат 2 та нашри чоп этилди.



Ўзбекистон Қизил китобига 1974 йилда маълумотлар тўпланган бўлса, 1978 йилда Ўзбекистон қизил китоби нашрдан чиқди. 1983 йилда биринчи марта Ўзбекистон Қизил китобининг фаунага бағишланган биринчи китоби халқ оммасига тadbіқ этилди. Ўзбекистон Қизил китобининг сўнггиси 2019 йил 6 декабрда чоп этилиб,

1. Сут эмизувчиларнинг-30
2. Қушларнинг -52
3. Судралиб юрувчиларнинг -21
4. Балиқларнинг -17
5. Халқали чувалчангларнинг -3
6. Моллюскаларнинг -14
7. Бўғим оёқлиларнинг -66
8. Ўсимликларнинг -157

Халқаро Қизил китобда ҳам Ўзбекистон фаунаси ва флорасининг баъзи турлари киритилган. Энг сўнги маълумотларга кўра қушларнинг 313 тури ва сут эмизувчиларнинг 217 тури Халқаро Қизил китобда ўз аксини топган. Дунёнинг кўпгина ривожланган мамлакатларида ўз минтақасига мансуб Халқаро Қизил китоблари янги тўлдирилган маълумотлар асосида нашр этиб борилади.

“Термиз” давлат музей-қўриқхонаси музейи фондларида жонли ва жонсиз табиатнинг ноёб намуналари, ҳайвон ва ўсимликларнинг нодир турлари, табиат оламида йўқолиб бораётган ҳайвонот олами турларига оид тулумлар ва муляжлар мавжуд. Жумладан, 22 август 1995 йилда келтирилган, Инвертар рақами 1267, КП рақами 2217-1 бўлган 21 см метрли катта Амударё куракбурун балиғининг хўл препарати (Мокрый препарат) сақланмоқда.

Бу балиқ тури “Халқаро ва Ўзбекистон Қизил китобига бутунлай йўқ бўлиб” кетиш арафасидаги тур сифатида киритилган ва овлаш қаътиян тақиқланган.



Катта Амударё куракбуруни-Большой амударьинский лжлоптонос - *Pseudoscaphirhynchus hermanni*: балиғи ҳозиргача сақланиб қолган жонзотлар ичида энг қадимийларидан бири ҳисобланади. Катта куракбурун балиқ—Куракбурунлар осетрсимонлар оиласига мансуб бўлган балиқларнинг бир туридир. Бу балиқлар дарёнинг лойқа ва тағи қумли шағалли сувларида яшайди. Сурхондарёнинг Амударёга қуйилиши ҳавзасида бошқа жойларга нисбатан кўпроқ учрайди. Амударёда катта Амударё куракбуруни ва кичик Амударё куракбуруни яшайди. Сурхондарёси сел суви билан кўпайган пайтда дарёнинг қуйилиш қисмидан 10-15 километр юқори қисмларида ҳам учрайди. Ўзбекистон ҳудудида унинг 3 та тури учрайди; Амударёда уларнинг 2 та тури яшайди. Катта Амударё куракбуруни ва кичик Амударё куракбуруни яшайди. Куракбурун балиқнинг учинчи тури Сирдарёсида учрайди. Катта Амударё куракбурун балиғининг узунлиги 58 см, оғирлиги 1,5-2 кг атрофида бўлади. Катта Амударё куракбурун балиғининг оғзи катта, тумшуғи кенг бўлади. Бу балиқлар 6-7 ёшида жинсий вояга етади. Март-апрел ойларида увулдириқ ташлайди. Катта Амударё куракбурун балиғи умуртқасиз хайвонлар, ҳар хил майда балиқлар ва ҳашарот личинкаси билан озиқланади.



Маълум қилинишича, ушбу балиқ турини кўпайтириш ишлари сўнгги 15-20 йилдан бери амалга оширилмоқда, аммо ўтқазилаётган бирорта тадқиқот натижа бермаган. “Ушбу балиқлар сунъий шароитда ҳеч қанақасига кўпаймаяпти”,-дейди гидробиолог Бахтиёр Шерматов. Қизил китобга киритилган турлар давлат қонуни асосида муҳофаза қилинади, уни бузган юридик ва жисмоний шахслар қонунга мувофиқ жавобгарликка тортилади. Бу каби ноёб маҳаллий турларни ҳимоя қилиш чора тадбирларини турли хил усуллар билан кучайтириш керак.

Қўшимча расмлар.





Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон ҳайвонот дунёси. В.А.Моисеев, Д.Ю.Кашкаров. Тошкент “Ўқитувчи” нашриёти 1990 йил.
2. Тошкент ҳайвонот боғи. Т.Худойбердиев, О.Ррасулов. Шарқ нашриёти. Тошкент-2004 йил.
3. Сурхондарёнинг ҳайвонот дунёси. О.О.Мавлонов, П.Ҳайдарова. А.Навоий номидаги Миллий кутубхона нашриёти. Тошкент-2008 йил.